МУСИҚА ИЛМИ ВА ИСЛОМ ДИНИ: ТАЛҚИН МУАММОСИ

Шохида Рахматуллаевна Маҳкамова
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти
“Мусиқа таълими ва дефектология” кафедраси мудири

АННОТАЦИЯ

Мақолада мусиқа фанининг муқаддас ислом дини таълимотидаги тутган ўрни хақида сўз юритилади. Мақолада келтирилган маълумотлар буюк уламолар, алломалар фикрлари билан бойитилган. Ушбу мақолани ёзишда диний манбалардан фойдаланилган

Калит сўзлар: мусиқа илми, ислом дини, мустақиллик,тадқиқи, таҳлил

AN INTERPRETATION OF THE SCIENCE OF MUSIC IN ISLAM

Shohida Rakhmatullaevna Mahkamova
Head of the Department of Musical Education and Defectology,
Chirchik State Pedagogical Institute, Tashkent Region

ABSTRACT

This article discusses the role of music science in the teachings of the Holy Religion of Islam. The information presented in the article is enriched with the opinions of great scholars. In writing this article, various religious concentrations and pamphlets of scholars were used

Keywords: music, Islam, art, history, religion.

КИРИШ

Ҳар бир халқнинг, миллатнинг маънавий – руҳий камолотида мусиқа санъатининг алоҳида ўрни бор. Кўплаб истеъдодларнинг мусиқий ижрочилик санъати нафақат юртимиз саҳналарида балки, жаҳоннинг турли мамлакатлари саҳнасида баралла янграмоқда. Мустақиллик бунга кенг йўл очиб берди, амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Ўзбек бастакорлари, санъатшунослик бўйича олимларнинг ҳамда мусиқий таълим йўналишларида фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчиларининг назарий, ижодий, таълимий педагогик қарашлари, мусиқий меросини ўрганиш юзасидан амалга оширилаётган илмий - тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этади. Бугунги кунда ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш ва унга пухта таълим бериш ишида ўқув-тарбиянинг янада самарадорлигини таъминлаш мақсадида чолғу ижрочилиги, дирижёрлик, касбий малакаларини эгаллаш услубиётининг назарияси ва ўзига

хос бўлган ўргатиш “технологиясини” ривожлантириш, замон талабларига мос равишда олиб борилиши муҳим аҳамиятга эга бўлиб келмоқда. Таълим соҳасида ўқувчи-ёшлар ўқув жараёнида муваффақиятларни қўлга киритиши, билмасликдан-билишга, қўлидан келмасликдан уддалай олишга, яъни ўз куч-ғайратларининг маъноси ва самарасини англашга томон силжиш, ютуқлар қувончини ҳис этишни таъминловчи шароитларни яратиш, меҳнатсеварлик, ўқишга ҳавас ва ўқиш иқтидорини тарбиялаш асосий вазифалардан биридир.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ.

Бугунги замонавий ижрочи, дирижёрдан мусиқани нозик тушуниш, ижро этилаётган асарнинг мазмуни, шакли, характерини билиш, ижрони юқори бадиий савияга етказиш, бастакор мақсадига чуқур кириб бориш ва талқин эта олиш кабилар талаб этилади. Таълим–тарбия жараёни аниқлик ва тартибни талаб этади. Фаннинг мақсади мана шу тартибни очиб беришдир. Шу сабабли педагогика фани ва унинг тармоқлари таълим–тарбиянинг мақсад ва мазмунидан келиб чиққан ҳолда ўқув тарбия ишларига мос восита, шакл ва методларни ишлаб чиқади.

Чолғуда мусиқий асарни ижро этишни ўзлаштириш тажрибасидан шу нарса маълумки, методик жиҳатдан тўғри ташкил этилган машғулотлар талабанинг онгига, сезги ва иродасига ижобий таъсир этибгина қолмай, ҳаттоки, уларда маълум кайфият ҳосил этиб, кўзланган мақсадга эришишда интизом, меҳнатсеварлик ва ўз фаолиятига талабчанлик билан қараш каби сифатларни ҳам шакллантиради.

Бугунги мусиқа санъати эркин мусиқий ижрочилик даврига етгунча кўп тарихий босқичлар босиб ўтилган. Жумладан, мусиқа санъати қадимдан Юртимиз маданиятининг узвий қисми сифатида ривожланиб келмоқда. VII асрда Юртимизга ислом дини кириб келгач, Мусиқа санъатини таъқиқлашга уринишлар бўлгани тарихдан маълум. Бироқ бу ёндашув Марказий Осиё Ислом динида муҳокама бўйича муъайян юмшатишларга эришилган. Жумладан, Хадислар тўпламларида Хазрати Пайғамбаримиз (С.А,В.)нинг баъзан байрам кунлари аҳли аёлларига ўйин ва мусиқа ижро этишга рухсат берганликлари тўғрисидаги хадислар келтирилган. Бундай хадислар муҳокамалари натижасида мусиқа санъати- инсон тарбиясида зарур ва Ислом аҳкомларига зид эмас деган ҳулосага келган. Жалолиддин Румий (XIII аср) “Маснавийи маънавий” асарида, Дарвиш Али Чангий (XVII аср) “Рисолаий мусиқа” асарида Пири Чангий (чанг чолғуси устози) исмли шахс бошчилигида бир гуруҳ Марказий Осиёнинг мусиқа санъати вакиллари Мадина шаҳрига – ҳалифа Умар ибн Ҳаттоб (VII аср)

ҳузурига бориб, “Ислом динида мусиқа жоизлиги” тўғрисида фатво (фармойиш) олиб келганлиги ҳақида ҳикоя қилинади. Айни пайтда, мусулмон мусиқа назариячилари мусиқа санъати тушунчаларини ислом дини асосларига мослаштириш йўлидан борганлигини таъкидлаш жоиз. Жумладан, Алишер Навоийнинг (XV аср) тарбиясини олган Зайниддин Восифий (1487-1566) “Бадоеъ ул-вақоеъ” (Нодир воқеалар) асарида бу борада муҳим маълумотларни беради.

Ҳиротда туғилган, Алишер Навоийнинг тарбиясини олган, ўз даврининг етук олими ва шоири эди. 1507 йили Шайбонийхон Ҳиротни босиб олиб Темурийлар салтанатини тугатгач, барча мутафаккирлар қаторида Ҳиротдан чиқиб кетади. 1512 йили Бухорога келиб, Шайбоний султонлар хизматида бўлади. 1522 йили Восифий Тошкентга келади ва бу ерда муқим яшаб қолади. У Тошкентга бағишланган қасидасида дейди:

Тошканд мулкин букун таъриф этай,
Нуқталар шодасин назмга битай.
Бир диёрки, анда сунбулу раъно,
Халқин жаҳон айлар мардуни доно.
Андоқ бир шаҳарки жаннат макондир,
Ҳижолатдин жаннат сийнаси қондир...

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Мутафаккир хотираларидан иборат “Бадоеъ ул-вақоеъ” асарида барча фанлар қаторида Мусиқа илми тўғрисида ҳам кўп маълумотларни беради. Бир ўринда андалусиялик (испаниялик) мусулмон олими Шайх Абулвужуднинг (XVI аср) дуода келадиган арабча Куллуҳу сирри калимасига берган шарҳини келтиради. Бу калиманинг маъноси “Жами сирлар Аллоҳга аён” демакдир. Шайх Абулжуднинг фикрича “Куллуҳу сирри” иборасидаги ҳар бир ҳарф (араб ёзувида унли ҳарфлар ёзилмайди) бир илмга ишора қилади. Унга кўра, Коф (“К” ҳарфи) – кимиё (химия) ва кон (геология) илмларига ишора; Лом (“Л” ҳарфи) – лимиё (арифметика, геометрия, астрономия) ва лаҳн (мусиқа илмига) ишорадан иборат. Ҳо (“Ҳ” ҳарфи) – ҳим (алгебра, тригонометрия, бухгалтерия, астрология) илмига, Сим (“С” ҳарфи) – симё (политология, менежмент) илмига ва Ро (“Р” ҳарфи) эса римё (ҳуснихат, котиблик, фалсафа) илмига ишорадир. Эътибор берилса, бу ўринда Шайх Абулвужуд мусиқа тушунчасини Аллоҳнинг сирларидан бири сифатида кўрсатади. Демак, мусиқа илми моҳият ва мазмун жиҳатидан сирли ҳодисадир. Асосий масала шундаки, Мусиқа илмининг муҳим калима “Куллуҳу сирри” ибораси таркибидан чиқарилиши ислом динида мусиқа санъатининг

жоизлиги тўғрисидаги узил-кесил ҳукм бўлган. Мазкур талқин ва муҳокамадаги маълум бўладики хар бир даврда мусиқа илмининг Ислом дини аҳкомларига мослиги тўғрисида муҳокама ва мулоҳаза юритилиб асосий ҳулосалар чиқарилган. Бунинг натижасида қуйидаги муҳим воқеаларга дуч келамиз:

А) ислом олимлари Абу наср Фаробий (X аср), Абу али ибн Сино (XI аср), Сўфийиддин Урмавий (XVIII аср) ва Абдул Қодир Марофий (XV аср биринчи ярми), Шарқ мусиқа назарияси ва амалиётини ишлаб чиқади.

Б) XVII-XVIII асрлар давомида Марказий Осиё минтақасида Шашмақом обидаси ва юзлаб чолғу ҳамда айтим асарлари айнан ислом дини вакилари томонидан яратилган.

ХУЛОСА

Зеро, бу ўринда ислом динида бир қатор илмлар, жумладан, мусиқа илми ҳам муҳим ўрин тутиши тўғрисидаги қарашга тўғри келамиз. Шу маънода бундай маълумотларни ўрганиб бориш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Хулоса сифатида шуни қайд этиш жоизки ислом динининг Марказий Осиёдаги жараёнида мусиқа илми муҳим маърифат асосларидан бири сифатида қабул қилинган. Бу масалани чуқур ўрганишнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларни белгилаб кўрсатиш мумкин:

- Марказий Осиёда ислом дини манбаларида мусиқага муносабат масаласини алоҳида ўрганиш (Имом Буҳорий, Абу Бакр Калободий, Абу Ҳомид Ғаззолий, Маҳдуми Аъзона Когоний ва ҳ.к.);
- Марказий Осиё ислом олимлари томонидан яратилган бевосита мусиқага оид асарларни ўрганиш (Абу Наср Фаробий, Абу Али ибн Сино, Нажмиддин Кавкабий, Дарвеш али Чангий ва ҳ.к.);
- Марказий Осиёда ислом даврида жамоа асосида яратилган мусиқа асарларини ўрганиш (Шошмақом, Фарғона-Тошкент мақом йўллари ва ҳ.к.).

Бундай ёндашув мусиқа илми ва ислом дини талқин муаммосини кутилган даражада ҳал этиш имконини беради.Шу сабабли мазкур масала узвий ва босқичма-босқич тарзда ўрганиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

REFERENCES

1. Ислам. Энциклопедический словарь. – М.: «Наука», 1991.
2. Дарвеш Али Чангий. Рисолаи мусиқий. Д.Рашидова таржимаси.- Т.: Санъатшунослик институти. Д.Рашидова фонди. 1983.
3. Мавлано Аҳмадий. Созлар мунозараси. // Муборак мактублар. Матнлар. – Т., 1987.
4. Зайниддин Восифий. Бадоеъ ул-вақое. – Т., 1979.
5. Жалолиддин Румий. (XIII аср) “Маснавийи маънавий” асари.